*Азим Хожа эшон*

# ҲИКМАТ

*Тошкент*
*"Ўзбекистон"*
*1993*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи:
РАФИДДИНОВ САЙФИДДИН САЙФУЛЛО ўғли

Масъул муҳаррир:
Ҳожи МУҲАММАД ШАРИФ ЖУМАН

Муҳаррир
СУРЪАТХОН СОЛИҲХЎЖА ўғли АБДУКАРИМ

Хожа, Азим эшон

Х 70 Ҳикмат // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Рафиддинов Сайфиддин Сайфулло ўғли; Масъул муҳаррир Ҳожи Муҳаммад Шариф Жуман.— Т.: Ўзбекистон, 1993.— 88 б.

ISBN 5-640-01487-3

Буюк мутасаввуф олим ва шоир Хожа Аҳмад Яссавийнинг издоши Азим Хожа эшоннинг "Ҳикмат"лари тасаввуф сулуки (йўли)ни изчил баён этган машҳур асарлардандир. Рисола Аҳмад Яссавий таваллудининг 950 йиллиги муносабати билан нашр этилмоқда.

У кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Хожа, Азим эшон. Хикмат.

ББК 86.38

№ 10—93
Навоий номли Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси

$X \frac{4702620104-38}{351\ (04)\ 93}\ 93$

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1993 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тавба, тақво, тоат билан умр ўткаринг,*
*Ҳақ мавлимни маъсиятга ризоси йуқ.*

* * *

*Дунё фоний, уқбо боқий, яқин билиб,*
*Дин ярогин олиб уқбо элтгум келур.*

# МУҚАДДИМА

Мутасаввиф шоир Азим Хожа эшоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳозирча аниқ маълумотга эга эмасмиз. У кишининг ҳикматлари инқилобдан олдин бир неча марта нашр бўлиб, халқимиз томонидан севиб ўқилган. Мажоз эмас, фақат ҳақиқий ишқни куйлашга бағишланган шеърлар мўмин-мусулмонларнинг, Ҳақ ишқида ёнган орифларнинг шуури ва қалбига нур бағишлаб, ҳидоят йўлини кўрсатишга хизмат қилган.

"Ҳикмат" ларда шариат ва тариқат аҳкомлари, йўл-йўриқлари, роҳу равишлари, ахлоқий ва руҳий жиҳатларни такомиллаштириш, юксак маънавият хусусида баҳс юритилади. Туғилиш ва ўлиш, бойлик ва камбағаллик, дунё ва охират, манманлик ва фақирлик, кофирлик ва мўминлик, тубанлик ва хушфеъллик каби фалсафий, ахлоқий қарашларни ифодалайди. Хуллас, шоир, инсон камолотга эришмоғи учун қандай ақида ва қайси йўлдан бориши зарурлигини уқтиради.

"Ҳикмат"ларнинг ғоявий марказида, аввало, шариати Мустафога амал қилиш, унга даъват этиш туйғуси ифодаланади. Ҳар бир инсон шариатсиз, унинг аҳкомига риоя қилмасдан тариқатга ўтолмаслигини, ҳол илми, валилик, чин маънодаги орифликка фақат шариати Аҳмадийга амал қилиш билангина эришажагини қайта-қайта таъкидлайди.

"— Ибодатни тарк қилмоқ ўлумдан ёмонроқдур ва қаттиқроқдур, анинг учунким, ўлганда халқдин узилур ва тарки ибодатда Худодин узилур ва йироқ бўлур"[1]— дейди Шайх Яҳё Маоз*. Дарҳақиқат, "ҳақиқатни талаб қилиш" "тариқатни шариатга мувофиқ тутишдан" иборат бўлмоғи керак:

Мискин Азим, талаб қилсанг ҳақиқатни,
Шариатга мувофиқ тут тариқатни.

---

[1] Мақоламизда* аломати қўйилган иқтибослар Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг "Тазкиратул авлиёи туркий" китобидан олинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар ишингда қўймас бўлсанг шариатни,
Ўшал ишни тариқаи беҳбуд дерлар.

Ёки:

Вали улдур, шариатсиз иш қилолмас,
Қилур бўлса, зоҳир-ботин нуқсон бўлур.

* * *

"Сўрдиларким:

— Вали кимдур?

Шайх Абу Ҳафз деди:

— Вали улдурким, анга каромат мартабасини бергайлар, аммо ўзининг у бирла иши бўлмағай"*.

"Оят-ҳадис маъносидан сўз сўзлаган", "ҳимматини дин йўлида сарф айлаган", "дунё бузиб, динни тузиш"га ҳаракат қилган, "қўлим тутиб, йўлға солинг ё Мустафо" деб нидо қилган шоир ҳақталаб толибларга "тавба қилишни", "беш вақт намоздан файзи вуфур олишни", ношаръий ишлардан ҳазар қилишни таъкидлайди. Шариатни маҳкам тутган мухлис-муридларни тезда тариқатга кириб, унинг сирларидан воқиф бўлишга, ҳақиқат ахтаришга ундайди:

Толиб эрсанг сидқинг бирлан тавба қилғил,
Тавба қилсанг маъсиятлар бўлмиш маоф.
Оят-ҳадис мазмунидин сўз сўзладим,
Оқил эрсанг бу сўзларни билма хилоф.
Андин сўнгра тариқатда қилғил юруш,
Бу кишига ҳожат эмас қараб туруш.
Йўлинг бўлса, нафсинг бирла қилғин уруш,
Эр бўлмассан, нафсинг бирла қилмай масоф.

Мурид шариатдан ўтиб тариқатга қадам қўяр экан, тариқатни ўзига хос сир-асрори, роҳу равиши ва талаблари бўлади. Тариқат — тасаввуф йўли: "Тасаввуф — кўнгилни аслидан қайтмоқдан соф тутмоқ, нафс хоҳишидан ўзини йироқ ва нафс хоҳишиға чорлайдурғон кимсадан ўзини йироқ тутмоқ, ҳамма авсофни руҳонийлиқ сифатига келтирмак, ҳақиқат улуми бирла баланд мартаба топмоқ ва қайси ишки аввалидур, ўзгани ташлаб, ани қилмоқ ва жумла уммати Муҳаммадга насиҳат қилмоқ, ҳақиқатга вафо бажо келтирмоқ ва ҳазрати пайғамбар алайҳи ва саллам шариатига мутобиат қилмоқ"— дейди Шайх Жунайд Бағдодий*. Шайх Абу Сулаймон Дороний —"Тасаввуф улдурки, суфий қилғон амалини Худодин ўзга киши билмаса", деб таърифласа, Шайх Самнун Муҳиб —"Тасаввуф улдурки, ҳеч нимарсанг сенинг мулкинг бўлмағай ва сен ҳам ҳеч нимарсанинг мулки бўлмағайсан",— деб таъкидлайди*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳу дарвишликнинг қирқ мақоми борлигини, унинг ўнтаси шаритда, ўнтаси тариқатда, ўнтаси ҳақиқатда ва ўнтаси маърифатда мавжудлигини қайд қилганлар. Дарвиш ана шу қирқ мақомни билиб, унга амал қилса ҳақиқий ва комил инсон даражасига кўтарилади. Дарвишликдаги қирқ мақомнинг шариатдаги ўнтаси қуйидагилар:

I. Ҳақ таолонинг бирлигига, борлигига, зоти ва сифотига иймон келтирмоқ.

2. Намоз ўқимоқ.

3. Рўза тутмоқ.

4. Закот бермоқ.

5. Ҳаж қилмоқ.

6. Мулойим сўзламоқ.

7. Илм ўрганмоқ.

8. Ҳазрати расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини бажармоқ.

9. Амри маъруфни бажармоқ.

10. Наҳи мункарни бажармаслик.

II. Тариқатдаги ўнта мақом қуйидагилар: 1. Тавба қилмоқ. 2. Пирга қўл бермоқ. 3. Хавф, яъни Аллоҳ қаҳридан қўрқиш. 4. Рижо, яъни Аллоҳ раҳматидан умидвор бўлиш. 5. Доимо зикр айтмоқ. 6. Пирнинг хизматида бўлиш. 7. Пирнинг ижозати билан сўзламоқ. 8. Насиҳат тингламоқ. 9. Тажрид бўлиш. 10. Тафрид бўлиш.

III. Маърифатдаги ўнта мақом қуйидагилар: 1. Фано бўлмоқ. 2. Дарвешликни қабул қилмоқ. 3. Ҳар ишга таҳаммул (тоқат, сабр, чидам) кўрсатмоқ. 4. Яхшилик, ҳалолликни талаб қилмоқ. 5. Маърифат. 6. Шариат ва тариқат аҳкомига риоя қилмоқ. 7. Дунёни тарк қилмоқ. 8. Охиратни ихтиёр қилмоқ. 9. Вужуд мақомини билмоқ. 10. Ҳақиқат асрорини билмоқ.

IV. Ҳақиқатдаги ўнта мақом қуйидагилар: 1. Хоки роҳ (йўл устида ётган туфроқ каби камтар, фақир) бўлмоқ. 2. Яхши, ёмонни танимоқ. 3. Бор луқмага қаноат қилмоқ. 4. Луқмасини бировларга инъом қилмоқ. 5. Бирор кишига озор бермаслик. 6. Фақирлигига мункир бўлмаслик. 7. Сайри сулук қилмоқ. 8. Ҳар кимдан ҳақиқат сиррини сақламоқ. 9. Шариат, тариқат ва маърифат аҳкомини билмоқ. 10. Шариат, тариқат ва маърифат аҳкомига амал қилмоқ[1].

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 1894, 8—9-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Азим Хожа эшон ҳикматларида дарвешликнинг мазкур қирқ мақоми билан боглиқ ғоялар, ирфоний тушунчалар, суфийлик истилоҳлари, ибодат ва риёзатлари, тариқат ҳукмларига дуч келасиз. Мисолларга мурожаат этайлик.

Маълумки, тариқатга, тасаввуфга кирувчи мурид "аввало пири муршид мукаммалга ўзин солиб", "пири комил суҳбатиға ўзин уриб" унга қўл бериши шарт:

Эй дўстларим, тариқатни йўли улуғ,
Пирсиз қадам қўйғон киши сарсон бўлур.

"Мен икки юз пирга хизмат қилдим,— дейди Шайх Жунайд Бағдодий,— улардан етти киши иқтидога ярадилар. Мен тасаввуфни лашкар тортиб жанг қилиб, киши ўлдириб қўлга келтирмадим, балки очликда ва уйқусизликда, дунёдан илик ювиб ва дўст тутқон нимарсадан юз ўгириб ҳосил қилдим ва қўлга келтирдим. Ва бу йўлға кирган киши Каломи Худони ўнг қўлига олган бўлғай ва суннати Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламни чап қўлиға олған бўлгай ва икки шамънинг ёруғлиқи бирла йўл юрғай, то на шубҳа чуқуриға йиқилғай ва на бидъат қоронғулиқига қолгай"*.

Мурид пирга қўл бергандан кейин, пир унга вазифа топширади. Яъни ўз сулуки аҳкомини тушунтиради, махсус вақтларда махсус дуо ва зикр айтишни ўргатади. Мурид пир олдида адаб сақлаб, унинг топшириқларини сабр-бардош ва розилик билан адо этади.

Пир амрига лозим билиб итоатни,
Пеша айлар сабру ризо қаноатни.

Тасаввуфда сабр ҳар хил талқин қилинади. Шайх Жунайд Бағдодий эса сабр ҳақида шундай деган: "Сабр улдурки, Китоб (Қуръон) ва Суннатнинг (шариат ва ҳадислар) ҳукмларида ўзини тўхтатмоқ. Китоб ва Суннатнинг риоясида муроқаба ҳосил бўлур. Ва муроқаба улдурки зоҳир ва ботинда ихлос қилмоқдур*. Шайх Суҳайл ибн Абдуллоҳ"— Тасаввуф улдурким, таомни оз емак ва Худойи таоло бирла ором олмоқ*,— деб сўфийни сабру қаноатга чақиради.

Пир тасаввуфда муридни тариқатга бошловчи, унинг зоҳир ва ботинига файз бағишловчи, комиллик даражасига масъул, воситачи ҳисобланган. Баъзи мутасаввифлар бежизга аввал пирга, кейин Аллоҳга фано бўлиш керак демаганлар. "Эй толиб, агар Ҳақни талаб қилиб, топай



www.ziyouz.com kutubxonasi

десанг шариатда орифун биллоҳ, тариқатда воқифи асрор, ҳақиқатда комил, мукаммал, маърифатда дарёи уммон бўлса, андоғ пирга қўл бергилким, ишинг саодат бўлғай"— дейилади Девони ҳикматда[1]. Азим Хожа ҳикматларида пир амрини бажариш, унинг ризолиги, унга содиқ, хизматкор қул каби хизмат қилиш ҳақида яна қуйидаги байтларни ўқишимиз мумкин:

Пир ризоси — нафс изоси, руҳ ғизоси.

* * *

Ихлосимни қилсун десанг пирим қабул,
Қулларига ит бўлгину итига қул.

Тасаввуф тарихидан маълумки, пир амрини бажармай, ундан юз ўгирган ёки жин кашфига мубтало бўлган мурид ҳақ йўлдан тойиб, гумроҳликка юз тутган. Шоир муридни ана шу куйга тушиб қолмасликка даъват қилган:

Қўя курма буйруғин, етмиш мақом утсанг ҳам,
Аршу Курси поясин қўл узотиб тутсанг ҳам,
Ёнар ўтни лақчасин нондек чайнаб ютсанг ҳам,
Беҳишт кирмай бандага ҳаргиз йўқтур тануқлуқ.

Мурид пирнинг назари марҳаматига қанчалик кўп мушарраф бўлса, даражаси ўшанча ошади. У пир амрини бажараётиб, ўзи ҳам ундан завқ олади, қилган тоат-ибодатидан ҳузур қилади, кибру ҳавони тарк этиб, Худодан бошқасини унутади. Ақл, хаёл ва ҳиссиётлари маърифат нуридан ёришиб, кўз ўнгидан илоҳий сир-асрор пардалари кўтарилиб боради. Ўз навбатида муршид пир ҳам муриди ҳолидан хабар олиб, унинг ботинини, маънавиётини такомиллаштиришга эътибор беради.

Муршид бўлган суҳбат тутар мурид бирлан,
Машғул этар, илми ҳикмат тавҳид бирлан.

Пир вазифасини адо этиб, риёзат тортиб, илоҳий сир англаб, "ишқдан улуш олғон, икки кўзи ёш бўлгон" мурид пиридан иршод хати олиб, ўзи ҳам пирлик даражасига, ҳақиқий орифликка етади. Илму ҳикмат ва тавҳидда комил ва мумтоз бўлади. "Етти кўкни дил домани билан ёпган" орифнинг қалби соф, беғубор ва сир-асрор дунёсини кўзгудек ўзида акс эттиради:

---

[1] Мазкур асар, 3-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ботинидин кўчар хубсу кибру кийна,
Тўрт аносир ҳижоб бўлмас дил юзина.

Зеро, тасаввуфнинг охирги босқичларидан бўлган "фано" ва "бақо" мақомига эришган ориф — қудратли, мушкулларни ҳал қилувчи, ҳар қандай тилсимлар тугунини ечувчи, илоҳий назарли, абадий саодатга восил бўлган, дийдор нашидасидан маст-аласт, ирфоний туйғулардан мангу ўртангувчидир. Бундай орифнинг бир назарида тупроқни зар қилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ:

Андоғ ориф бўлур эрмиш кимё назар,
Туфроқ олса, бир назарда айламиш зар.

• • •

Тирик юриб улганлар, фано таслим булганлар,
Бақо мулкин олганлар, гулдек очилиб сўлмаслар.

• • •

Боязид Бистомий —"Орифлик Худони танимакдур. Худони танимак, фикр қилмак ва тўла кўнгилли бўлмоқдур*,— деб таъриф берса, Шайх Жунайд Бағдодий орифлик, етук сўфийлик шартини қуйидагича изоҳлайди: "Сўфий улдурки, анинг кўнгли Иброҳим алайҳиссалом кўнглидек дунёни дўст тутмоқдин саломат қолғай ва Худонинг фармонини бажо келтургай, ўзини Худога ташламоқда Исмоил алайҳиссаломға ўхшар, анинг ғам-андуҳи Довуд алайҳиссаломнинг ғам-андуҳидек бўлғай, фақир номуродлиғи Исо алайҳиссаломнинг номуродлиқидек бўлғай, шавқ иштиёқи ва орзуси Мусо алайҳиссаломнинг иштиёқидек бўлғай, анинг ихлоси Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ихлосидек бўлғай ва тасаввуф улдурки, Худойи таоло сени ўзингдин ўлдириб, ўзи бирла тирилтирғай"*.

Албатта мурид ҳақиқий орифликка етгунга қадар пиру муридлик муносабатларини барқарорлаштиришдан ташқари, ўз-ўзини тарбиялаши, риёзат тортиши, насиҳатга қулоқ тутиши, орифлар фаолиятидан ибрат олиши керак. Айниқса, энг аввал ҳиммат қилиб нафс кўзини ўйиши лозим, чунки, асосан нафс муридни тўғри йўлдан оздирувчи, залолат ва шайтоний майлларга ундовчидир:

Бандаман деб ғафлат ичра ётса бўлмас,
Ҳиммат қилмай нафс тоғидин ўтса бўлмас,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нафси шайтон кўзларини ўйса бўлмас,
Ҳамдам бўлмай нафс кўзини ўйғонларға.

Тасаввуфда нафснинг "аммора", "лаввома", "мулҳама", "мутмаинна", "розия", "марзийя", "софия" каби турлари бор. Шоир нафси шайтон деганда "нафси аммора" ни назарда тутмоқда. Худди ана шу нафс муридни чалғитиб, гумроҳликка олиб боради. Унга қул бўлмаслик, ундан йироқда юриш, ибодат ва қаноат машаққатига чидаш, бировнинг маломатини кўтариш чин толибларнинг бурчидир:

Жонин қийнаб, машғул бўлса ибодатга,
Нафс ўлдуруб, одат қилса қаноатга,
Тоқат қилса маломатга, иҳонатга,
Чин толиблар қаторинда бўлғон бўлур.

Ҳикматларда нафс билан бирга дунё тимсоли ҳам ёнма ён қўлланиб, душман сифатида тасвирланади. "Дунё илик — уфадур, ўзга зийнат бермагин"— дейди шоир. У жилва қилиб, кишини ўзига ром этса Худо зикридан қолдиради. Унга ошуфта бўлиб меҳр қўйиш, унинг бағрида манманлик билан умр ўткариш қаттиқ қораланади:

Ихлос ила дунё қўйуб, динни суюнг,
Зуҳду вараъ бирла нафсни кўзин ўюнг.

• • •

Илоҳи дилни ёрут, дунёдин кўнгулни узай.

• • •

Умуман, тасаввуф таълимотида дунё руҳнинг кенг парвоз қилишига монелик қиладиган, маҳбусхона, нажосат, заҳарли илон, бевафо хотин каби сифатлар билан тилга олинади. Сўфилар назарда тутган дунё асосан бойлик ва ғаниликдан иборатдир. Шайх Яҳё Маоз: "Олтин-кумуш чаёндур. Анинг афсунини ўрганмагунча илик узатмағилким, сени ҳалок қилур. Анинг афсуни ҳалолдин топиб, ҳақ-ростга харж қилмоқдур" дейди. "Дунё нажосатхонадир,— деб таърифлайди Шайх Жунайд Бағдодий,— ондин нажосатроқ улдурким, Худои таоло ани дунё ишқига мубтало қилиб қўйғон бўлғай"*. Азим Хожа эшоннинг ҳам айнан дин ва дунё муносабатига тез-тез мурожаат қилиши бежиз эмас:

Динингни душмани дунё турур агар билсанг,
Бу дунё меҳрини қўй, Тангри ризосина боқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёки:

Бандаликни шартидур ожизлиғу синуғлуқ,
Султон бўлсанг оламға ҳаргиз қилма улуғлуқ.
Дунё меҳрин қўймайин, Ҳақ ёдини аймайин,
Нафсинг кўзин ўймайин, бўйнинг бўлмас солуғлуқ.

Илоҳий ҳақиқатни излаётган муридга яна бир вазифа шуки, у шариатда комил бўлиши, тариқат, маърифат ва ҳақиқатларда ҳам мукаммал, фидокор, собит ва барқарор, тинмай "ҳақиқат асрорига жўён" бўлиши лозим:

Барча ишин комил тутуб шариатға,
Бошдин кечиб, қадам қўйуб тариқатға,
Жону дилин муштоқ этиб маърифатға,
Ҳақиқатни асрорига жўён бўлур.

Муридга хос бўлган ижобий хислат ва хусусиятлар қаторида адабнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шайх Абу Ҳафз:—"Тақво ва парҳезкорлик ҳалол емакдин бўлур. Тасаввуфнинг барчаси одобдур"*,— деган эканлар. Одоб — адабнинг кўплиги. Адаб кўпинча тақво сўзи билан бирга келиб, байтдаги маънонинг изчиллигин таъминлаган:

Мискин Азим, тавбалик қул тақво қилур,
Тақволикни иши тамом адаб бўлур.
Адаблик қул, ўз айбига инсоф қилур,
Қани санда тавба-тақво, қани инсоф.

Халқнинг поклиги, яъни ҳаром, шубҳали таомдан ҳазар қилиб, ҳалол луқма ейиш улуғ фарзлардан биридир. Ҳалол луқма ейишда ҳикмат кўп... Шеърлардан бирида ўқиймиз:

Ҳаром шубҳа таомни чин толиблар тотмаслар,
Ҳалол тийиб луқмани ғафлат бирла ютмаслар,
Шариатни билмайин, тариқатни қилмайин,
Мухлис-мурид бўлмайин, муршидликка етмаслар.

Ислом тарихидан ҳам маълумки, пайғамбар ва авлиёларнинг аксари бадавлат бўлсалар ҳам бирор касб билан шуғулланиб, ҳалол еб-ичиб, бола-чақа боққанлар ва шундай яшашни шараф деб билганлар. "Келтурубдурларким, Абдуллоҳ Мағрибийнинг тўрт ўгли бор эрди. Ҳар бир ўғлига бир ҳунар ўрганмак буюрди.

Сўрдиларким:

— На учун ўғлонларга ҳунар ўрганмакни лойиқ кўрдингиз?

Абдуллоҳ деди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳар бир ўғилга бир ҳунар ўргатурман, токи, мендин кейин "Фалонийнинг ўглиман" деб элнинг жигарини емагайлар ва ҳожат вақтида касб-ҳунар қилиб, рўзонасига сабаб бўлғай ва элдин тамаъ бўлмағай"*.

Оташин мутасаввиф шоир Машраб "Хасдин ўзни тутмасанг кам, бандалик номинг ғалат" деган эканлар. Азим Хожа эшон ҳам фақирлик, камтарлик қилишни муршидликка эришишнинг воситаларидан бири деб билади:

Андин сўнгра мунглуғ бўлур, манлик этмас,
Халқи олам тақсир деса ўздин кетмас,
Дарё-дарё сирлар кўрса, қатра айтмас,
Мундоғ бўлса муршидликка ярар дўстлар.

Ҳикматларда бадиий санъатлардан ўхшатиш, истиора, талмиҳ, тамсил, ички қофиялар, сўз ўйинлари, равон мисралар ва назмий тимсолларнинг ўзига хос маҳорат билан қўлланганини кўрамиз. Баъзи ахлоқ-одоб ва маънавиятга доир мисра ва байтлар "қуйма"лиги билан киши диққатини ўзига тортади:

"Ўлмас бурун эгри йўлдин ростга қайтинг". "Азизларни синагунча ўзни синанг". "Илму адаб, тақво тоат улуғ неъмат". "Вақт ўтмасун бандалик қил, аё ўғлум". "Ошиқ ҳамиша тану маломатни ёридур".

• • •

Ёмону яхшини дунёда фарқ этай десанг,
Ёмону яхшини топган ўз ошносина боқ.

• • •

Оқил эрсанг насиҳатни ўзунгга қил,
Эран айтган: "Ўзгани қўй, ўзунгни бил".

Ҳикматларда "обид", "зоҳид", "тажрид", "орифлик", "адаб", "муршид", "қоид", "шаҳид", "таслим", "фано", "бақо", "тавассут", "нафйи вужуд", "жамул-жам мақоми", "тавҳид", "ҳикмат", "илм", "нисбати кулл", "мосуво", "кашфи вуруд", "маҳви шуҳуд", "фанофиллоҳ", "дарвеш", "мардон", "нури ботин", "убудият", "тафзил", "бақобиллоҳ", "нафйи ғурур", "тавба", "зикр", "солик", "пир", "нафс", "кибр", "ҳаво", "дунё", "мушаккик", "мажоз", "ҳақиқат", "эран", "май", "ҳубб ўти", "сир", "жоҳил", "коҳил", "нодон", "доно", "ҳилму ҳаё", "жамол", "мухлис", "бандалик", "муҳаббат", "вали", "зоҳир", "зуҳду вараъ", "мужоҳада", "тариқаи беҳбуд", "тавфиқ" каби сўфиёна



www.ziyouz.com kutubxonasi

истилоҳларга умумий таъриф берилиб, шарҳлаб ўтиладики, бу тасаввуф таълимоти билан қизиқувчилар учун ҳам фойдалидир. Масалан,

### Ҳикмат:

Шариатга рост, мувоофиқ тариқатни,
Машойихлар тариқаи беҳбуд дерлар.
Риёзатни шиддатига собир бўлуб,
Истиқомат қилғон қулни обид дерлар.
Аммoрадин, лаввомадин нафси утса,
Мулҳамалик мақомиға агар етса,
Риёзатга рози бўлуб, қуллуқ этса,
Тавассутнинг мақомида зоҳид дерлар.
Нафси агар ул мақомда убур этса,
Қанча қилғон тоатидин ҳузур этса,
Мутмаинна бўлуб, тарки ғурур этса,
Машойихлар ул мақомни тажрид дерлар.
Кундин-кунга ортар бўлса яқин шуҳуд,
Малол кетиб, осон бўлса қиём қуъуд,
Ул орифга анда булур, нафйи вужуд,
Нафйи вужуд ҳосил қилса тафрид дерлар.
Андин сунгра бало тегса роҳат олур,
Неъматин еб, ҳамдин айтиб, щукрин қилур,
Орифликни нишонларин ҳосил қилур,
Нишон учдур: илму ҳикмат, тавҳид дерлар.
Ул орифни барча иши адаб бўлур,
Юрса, турса, Худойини ҳозир билур,
Ҳар ишинда Ҳақ ризосин манзур қилур,
Бу сифатлар бўлур бўлса муршид дерлар.
Солик иши осон бўлмас нафсдин кечмай,
Софи булмас мосуводин кўнгул узмай,
Тунлар тамом қойим туриб, уйқу бузмай,
Қиём, қууд ҳосил қилса, қоид дерлар.
Йўлбошчиси бўлган борму, йўлни кўрмай,
Жондин кечиб, дарди талаб даврин сурмай,
Тоза ҳаёт қўлга кирмас, ишқ ўлтурмай,
Ишқ ултургон ошиқларни шаҳид дерлар.
Мискин Азим, талаб қилсанг ҳақиқатни,
Шариатга мувофиқ тут, тариқатни,
Ҳар ишингда қуймас бўлсанг шариатни,
Ўшал ишни тариқаи беҳбуд дерлар.

Шоирнинг ўзи ҳам расман тариқат йўлига кирганини "халқ ичинда олим, дарвеш"лик билан машҳур бўлганини эътироф этади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Неча йиллар жоним қийнаб, нафсдин бездим,
Ғариб бўлуб, муршид излаб элни кездим,
Пирни тобтим, суҳбатида бағрим эздим,
Ҳайрон бўлуб, қилар ишим билолмасман.

Шоир "шайдолиғим ҳаддин ошти", "юрак бағрим жўш урди", "Ишқим мани ҳақиқатдур, эрмас мажоз. Анинг учун дардим кўпдур, тоқатим оз", дея маҳбубнинг ишқи йўлида жигари кабоб бўлганини бот-бот таъкидлайди. Тариқатда машҳур сўфилар каби Аллоҳ йўлида жонбозлик қилолмаганидан афсусланади:

Жунайд, Шиблий, Мансур ишин этолмадим,
Боязиддек ўз нафсимни сотолмадим.

Шоир ўзини мардонлар (сўфилар) қаторида санаши ҳам юқоридаги фикримизни қўллаб-қувватлайди:

Ожиз Азим отонгнинг пандин олғил, эй ўғлим,
Мавъиза деб "мардон"лар ёлғон сузни айтмаслар.

Азим Хожа эшон сўфийликнинг қайси оқим ва тариқатига мансублигини шеърларида очиқ айтмаган. Бироқ ҳикматлардаги ғоя, рамз ва маъноларга эътибор берсак ёки унинг Аҳмад Яссавийга ижодда ва тасаввуф ғояларида тақлид қилганини инобатга олсак, шоирни Яссавий сулуки ва тариқатига мансуб бўлган дейиш мумкин.

Шоир ҳикматларида тариқатга кирганини, руҳоний кечинмаларини айтса-да, аммо қачон, қаерда туғилган, пири ким бўлган ва шунга ўхшаш таржимаи ҳолига оид маълумотларини бермаган. Бироқ қарилик кайфияти ва етмиш ёшга киргани билан алоқадор байтлар кўзга чалинади:

Бу ҳол бирла ўтар бўлди етмиш ёшим,
Умр ўторин билолмадим, ғофил бошим.

* * *

Қариб чўктум, йигитликдек қувват қайда.

• • •

Во дариғо, кўздин, тиздин қувват кетди,
На қиларим билолмайин бошим қотди,
Туймай қолдим, умрим бари елдек ўтти,
Сандин ўзга паноҳим йўқ ҳасбуналлоҳ.

Шоирнинг ҳикматларини ўқир экансиз, унинг шариат ва тасаввуф таълимотини чуқур билганлигига амин бўла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сиз. Ҳикматлар аввало туркий халқ эҳтиёжини қондиришга мўлжаллаб ёзилгани учун шакл ва мазмуни пишиқ, халқчил, туркий тилнинг гўзал жозибасини ва имкониятларини намоён қилган.

Ҳикматларнинг инқилобдан олдин Аҳмад Яссавий ҳикматлари охирига илова қилиниб чоп бўлганлигининг ўзи ҳам юксак қадрланганидан ва севиб ўқилганидан далолат беради.

Яна бир гап: ҳикматларни мутолаа қилувчи китобхон адабиёт, дин ва тасаввуф ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши керак. Аксинча, шоир назарда тутган маъно ва тимсоллар моҳиятидан бехабар қолиши мумкин.

Яқин йилларга қадар жумҳуриятимизда бу зоти шарифнинг ижоди диний-мистик аталиб, таъқиқланди ва ўрганилмай келинди. Рус истилочилари ҳамда динфуруш ва ватанфуруш хоин, малайларнинг саъйу ҳаракати туфайли шоирнинг ҳаёти ва ижоди олимларимиз томонидан махсус тадқиқ этилмади.

Аллоҳга беҳад шукрлар бўлсинким, биз мустақилликка, озодликка эришдик. Динимиз, тилимиз, авлод-аждодларимизнинг ҳур яшаши, равнақи, ривожланиши ва истиқболига кенг йўл очилди. Шу жиҳатдан Азим Хожа эшоннинг ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганиш галдаги вазифалардан бўлмоғи зарур.

Биз шоирнинг ҳикматларини 1894 йил Тошкентда "Каменский" матбаасида чоп бўлган Аҳмад Яссавий девонидан олиб, илк бор нашрга тайёрладик. Иншооллоҳ, бундан буён шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчи, тадқиқот олиб борувчи кишиларга бироз бўлса-да, фойдаси тегар, деган умиддамиз. Аллоҳу таборак ва таоло барчамизни ҳидоят йўлига бошласин. Омин. Валҳамду лиллоҳи раббил оламин. Вассалоту вассалому ало расулиҳи Муҳаммадин ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаин.

*РАФИДДИНОВ Сайфиддин Сайфулло ўғли,*
*Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт*
*институтининг илмий ходими.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲИКМАТ

www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Нафси шайтон ғолиб келиб йўлум тутти,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Кундин-кунга расволиғим ҳаддин ўтти,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Умр ўткардим нафсим учун елиб, югруб,
Қанда кўрсам дунё анда бошим уруб.
Юз минг турлук машаққатни жонға кўруб,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Бежо юрдим, тоат сари бел боғламай,
Тунлар тамом, қиём туриб қон йиғламай,
Хизмат қилиб эранлардин сир англамай,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Билмай қолдим умрум елдек ўторини,
Вақтим куни ғафлат бирла боторини,
Ғариб жонға надоматлар еторини,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Ўтган умрум қайта келмак йўқ имкони,
Анинг учун кўздан оқар бағир қони,
Айта берсам ҳасратимни йўқдур сони,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Эмди мани қулман дерга йўқдур юзум,
Ғафлат бирлан зоеъ кечти ёзу кузум,
Тавба қилдим, мундин ортуқ йўқтур сўзум,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Мадад қилинг, берай нафсим жазосини,
Тавба бирлан қилай тоат қазосини,
Жафо чекиб, тортай қуллуқ мазосини,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Ҳақдин тавфиқ етар бўлса, сиздин мадад,
Қувват топиб, равшан бўлур жону жасад,
Тавфиқ, рафиқ бўлур бўлғай зери лаҳад,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Ожиз Азим расволиғин эмди англаб,
Ҳасрат ўтин жонға солиб, юрак доғлаб,
Нафс илгидин ёлворурман сизга йиғлаб,
Илгим олиб, йўлға солинг, ё Мустафо!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲИКМАТ

Ожиз, мунглуғ, кўнгли синуқ муштипарман,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Борай десам илгимда йўқ зоди сафар,
Турай десам тоқатим йўқ, қондур жигар,
Ожиз қулунг аҳволиға айлаб назар,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Мадад қилинг, дунё бузуб, динни тузай,
Каъба, Равза фироқида бағрим эзай,
Йўлға кириб, тоғу тенгиз, чўлни кезай,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Муҳрим бўлуб, Ҳақ мавлимдин тилай тилак,
"Валҳамду лак, вашшукру лак, ваннеъмату лак".
Тилга олиб, "оллоҳумма лаббайка лак".
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Бу ҳол бирла Каъба етсам ишқим тошиб,
Етти қатла чарх урсам ман ақлим шошиб,
Истиломи ҳажар этай куюб, пишиб,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Сафо, Марва, Муздалифа, Мино этай,
Арофотда вуқуф этиб розим айтай,
Бағрим куйиб, жондин тўйиб, ўздин кетай,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Умрагоҳда шарофатлик икки тоғдур,
Бирн Қубайс, бири ани Жабали нур,
Анда чиқиб, "ҳу-ҳу" дебон юргум келур,
Қўлум тутуб, йўлга солинг, ё Мустафо!
Ҳажжи Умра андин бориб еткурсам ман,
Жумла аркон шартин бажо келтурсам ман,
Ҳарам ичра ҳайрон туруб, оҳ урсам ман,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Андин сўнгра Мадинага боргум келур,
Салом, салавот айтиб Равза киргум келур,
Бехуд бўлуб, ўзум анда ургум келур,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Ул остонға кўксум қўйиб, юз сурсам ман,
Кўз ёшимни селоб этиб, сув урсам ман,
Сақолларим жоруб этиб, супурсам ман,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Тургуммукин тунлар тамом тизим чўкуб,
Таслим бўлуб бўйнум солиб, белим букуб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Умид тутуб, сариғ юзға ёшим тўкуб,
Қулум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!
Мискин Азим, ҳикмат айди мунглуғ бўлуб,
Каъба, Равза фироқида қонға тўлуб,
Ранги сўлуб, ғамга тўлуб, тирик ўлуб,
Қўлум тутуб, йўлға солинг, ё Мустафо!

## *ҲИКМАТ*

Билур билмас, ақлингизга бино қўюб,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Қўрқарманким, йиқилғайсиз, йўлдин тойиб,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Юз ихлосдин ортуқ эрур пир ризоси,
Бўлур бўлса ҳидояти, муддаоси,
Пир ризоси — нафс изоси, руҳ ғизоси,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Башир Ҳофи яланг оёқ қорни бости,
"Ҳу-ҳу" тею чўллар кезиб, хорни бости,
Мундоғ эйтиб, ҳирсу ҳаво, орни бости,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Азизларни синагунча ўзни синанг,
Борму сизда ҳирсу ҳаво номусу нанг?
Ўз ҳолини ўзи билмас улдур гаранг,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Насимийнинг ҳикоятин билмасмусиз,
Шайх Мансурдин эштиб ибрат олмасмусиз,
Фурсат қўлдин кетмай ўзга келмасмусиз,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Ноқисликда комил ишин қилиб бўлмас,
Бақоликлар асрорларин билиб бўлмас,
Фано бўлмай бақо мулкин олиб бўлмас,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Шаръу тариқ эранларнинг равишлари,
Тажрид, тафрид, тафвиз, таслим бўлмишлари,
Ладун илми эрмиш фаҳму донишлари,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Муршид бўлғон суҳбат тутар мурид бирлан,
Машғул этар илми ҳикмат тавҳид бирлан.
Зоҳир суҳбат, ботин ичра сужуд бирлан,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Мискин Азим ориф кўнгли гулзор эрмиш,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар гулида минг дафтари асрор эрмиш.
Номаҳрамдин пинҳон ани асрор эрмиш,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.

## *ҲИКМАТ*

Аллоҳ ёдин орифлардек айтиб бўлмас,
Ҳамдам бўлмай, кибру риё қўйғонларға.
Муҳаббатни шаробидин тотиб бўлмас,
Ҳамдам бўлмай жону дили куйғонларға.
Бандаман деб, ғафлат ичра ётса бўлмас,
Ҳиммат қилмай нафс тоғидин ўтса бўлмас,
Нафси шайтон кўзларини ўйса бўлмас,
Ҳамдам бўлмай нафс кўзини ўйгонларға.
Жафо чекмай, ботин кўзин очса бўлмас,
Толибларға дурру гуҳар сочса бўлмас,
Доно бўлуб, юз минг гиреҳ чечса бўлмас,
Ҳамдам бўлмай сир маънисин туйгонларға.
Доноларни билганларин билса бўлмас,
Мардонларни қилғонларин қилса бўлмас,
Тааллуқни далқин ўздин солса бўлмас,
Ҳамдам бўлмай, тажрид тўнин кийонларға.
Тариқатга пирсиз қадам қўйса бўлмас,
Бу йўлларни хатари кўб билса бўлмас,
Бу йўлларда эсон-омон юрса бўлмас,
Ҳамдам бўлмай, билиб қадам қўйғонларға
Оқил эрсанг насиҳатни ўзунгга қил,
Эран айтган: "Ўзгани қўй, ўзунгни бил",
Эй Азимо, токай юргунг зору залил,
Ҳамдам бўлмай, дунё меҳрин қўйғонларға.

## *ҲИКМАТ*

Дариғ дардки, ман ҳаж этолмадим башитоб,
Қарилиғ еттию куч кетди, бўлди тан бетоб,
Кўз ўлди ожизу, вақт ўтди, эмди ҳол хароб,
Фироқи Равзаи онҳазрат этди дилни кабоб,
Турарга тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Борарга боғладим эмди белимни ё Аллоҳ,
Карам қил, Каъба сари оч йўлимни ё Аллоҳ,
Бу йўлда чоғладим ўзга ўлимни ё Аллоҳ,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббат ўтида куйдир, дилимни ё Аллоҳ,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Илоҳи, дилни ёрут, дунёдин кўнгилни узай,
Ғариблиғ ила юруб, ғуссадин бағирни эзай,
Сани ризолигинг истаб, довону чўлни кезай,
Бу қулни Каъбага еткур, ғамимни анда ёзай,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлга йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Бу йўлни шавқи била оҳ ила фиғон айлай,
Ўзимни ерга уриб, юз-кўзимни қон айлай,
Висол умиди била кўз ёшим равон айлай,
Танимни Каъба бориб фарши остон айлай,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Туруб маносики ҳажжи умрани қилай неча кун,
Кўзимдин қон оқизай, қолмасун жигарда бутун,
Гуноҳларимни илоҳи қил анда манга ўтун,
Дилимга оташи ишқингни айлагил афзун,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Етушсам Каъба тавофига жон фидо айлайин,
Сафову Марвада ҳам оҳи раббано қилайин,
Вуқуф этиб, Арафот тоғида наво қилайин,
Тилимни сақлайину дил била наво қилайин,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Карам қил, андин ўтиб шавқ ила Мадина борай,
Юзум била югурай, бошим била равза кирай,
Кўзум била сув урай, кирпигим била супурай,
Тириклай ўлгонимни лаззатини анда билай,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Туриб расули Худони маконларин кўрайин,
Ўзимни анда уриб, ҳар тараф юзим сурайин,
Дамо-дам Равзаи покиға термулуб турайин,
Ажал етушса ўшал остонада ўлайин,
Тураргa тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгга сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.
Агарчи осийману пургуноҳу нома сиёҳ,
Бошимни Равза қўйиб, айласам фиғон ила оҳ,
Десамки, оси қулунг келди, ё расулаллоҳ,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дегайму Мискин Азимни "кел, эй саки даргоҳ",
Турарга тоқатим тоқ ўлди, йўлға йўқ асбоб,
Қулунгта сан карам эт, ё муфаттиҳал абвоб.

### *ҲИКМАТ*

Шариатга рост, мувофиқ тариқатни,
Машойихлар тариқаи беҳбуд дерлар.
Риёзатни шиддатига собир бўлуб,
Истиқомат қилғон қулни обид дерлар,
Аммородин, лаввомадин нафси ўтса,
Мулҳамалик мақомиға агар етса,
Риёзатга рози бўлуб, қуллуқ этса,
Тавассутнинг мақомида зоҳид дерлар.
Нафси агар ул мақомдин убур этса,
Қанча қилғон тоатидин ҳузур этса,
Мутмаинна бўлуб, тарки ғурур этса,
Машойихлар ул мақомни тажрид дерлар.
Кундин-кунга ортар бўлса яқин шуҳуд,
Малол кетиб, осон бўлса қиём қуъуд,
Ул Орифга анда бўлур, нафйи вужуд,
Нафйи вужуд ҳосил қилса тафрид дерлар.
Андин сўнгра бало тегса роҳат олур,
Неъматин еб, ҳамдин айтиб, шукрин қилур,
Орифликни нишонларин ҳосил қилур,
Нишон учдур: илму ҳикмат, тавҳид дерлар.
Ул орифни барча иши адаб бўлур,
Юрса, турса Худойини ҳозир билур,
Ҳар ишинда Ҳақ ризосин манзур қилур,
Бу сифатлар бўлур бўлса муршид дерлар.
Солик иши осон бўлмас нафсдин кечмай,
Софи бўлмас мосуводин кўнгул узмай.
Тунлар тамом қойим туруб, уйқу бузмай,
Қиём қуъуд ҳосил қилса, қоид дерлар.
Йўл бошчиси бўлган борму, йўлни кўрмай,
Жондин кечиб, дарди талаб даврин сурмай,
Тоза ҳаёт қўлга кирмас, ишқ ўлтурмай,
Ишқ ўлтургон ошиқларни шаҳид дерлар.
Мискин Азим талаб қилсанг ҳақиқатни,
Шариатга мувофиқ тут тариқатни.
Ҳар ишингда қўймас бўлсанг шариатни,
Ўшал ишни тариқайи беҳбуд дерлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ҲИКМАТ*

Азал вақтда Аллоҳ суйган улушлуқ қул,
Бу дунёда талаб дардин сўрар дўстлар.
Юз минг бало, офат, меҳнат йўлин тутса,
Қайта билмас, анга ўзин урар дўстлар.
Дунё келиб, назар қилса, парво қилмас,
Ўнгу сўлға боқиб, ҳаргиз йўлдин қолмас.
Чин қул бўлур, хожаликни кўзга илмас,
Дунё қўйуб, дин йўлиға кирар дўстлар.
Пири муршид мукаммалга ўзин солур,
На буюрса ихлос ила ани қилур.
Нафси ўлур, ранги сўлур, таслим бўлур,
Бўйнин солиб хизматида турар дўстлар.
Ул муридга пирдин бўлур дам-дам бахшиш,
Кундин-кунга ҳосил қилур тоза равиш,
Қанот қоқиб учар, Ҳақдин бўлса кашиш,
Жамул жамнинг мақомиға борар дўстлар.
Ул мақомда тафвиз, таслим комил қилур,
Нафси анинг муте бўлуб, ўзга келур.
Тили дилға, дили сирга тобеъ бўлур,
Жомеъ бўлиб, қуллуқ додин берар дўстлар.
Андин сўнгра мунглуғ бўлур, манлик этмас,
Халқи олам "тақсир" деса ўздин кетмас,
Дарё-дарё сирлар кўрса, қатра айтмас,
Мундоғ бўлса муршидликка ярар дўстлар.
Мужоҳада мунги бирла қонға тўлур,
Худойимдин қўрқуб, титраб, қуллуқ қилур.
Ихлос ила сўфийларга ходим бўлур,
Ҳақ ризосин истаб суҳбат тутар дўстлар.
Мундоғ бўлғон чин дарвишдир ёлғони йўқ,
Ёлғон дарвиш пир хизматин қилғони йўқ.
Меҳнат тортиб, таслим, фано бўлғони йўқ,
Оғзи бирла ёлғон авроқ урар дўстлар.
Мискин Азим сўраб, истаб роҳи тузни,
Андоғ эрлар изларига сурар юзни,
Зоҳир аъмо, Ҳақдин сўрар ботин кўзни,
Насиб бўлса ул кўз бирла кўрар дўстлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ҲИКМАТ*

Эй дўстларим, тариқатни йўли улуғ,
Пирсиз қадам қўйғон киши сарсон бўлур.
Ноқис шайхни тариқатда вайрон дерлар,
Ноқис шайхни тариқати вайрон бўлур.
Ихлос ила дунё қўюб, динни суюнг,
Зуҳду вараъ бирла нафсни кўзин ўюнг.
Тун-кун тинмай дил бошига юзни қўюнг,
Иншоаллоҳ, ботин нури тобон бўлур.
Солик агар дилдин сирга убур этса,
Жамул жамни аломатин зуҳур этса,
Фаноликдин бақо топиб ҳузур этса,
Гар заифдур андин сўнгра мардон бўлур.
Маърифатни дарёсидин гавҳар тобмиш,
Етти кўкни дил домани бирла ёпмиш.
Мардоналар илми ҳикмат тафзил топмиш,
Бу сифатлар бўлур бўлса раҳдон бўлур.
Ул мақомда нисбати кул этмиш зуҳур,
Беш намоздин олур эрмиш файзи вуфур.
Ботиндидин баҳра олмиш наздику дур,
Наздику дур нисбатига яксон бўлур.
Андин сўнгра барча иши адаб бўлур,
"Аддибни рабби"[1] анда тилга келур.
Абдиятни мақоминда ўзни танур,
Ҳилму ҳаё ғолиб келиб тарсон бўлур.
Мискин Азим, булут янглиг ёшинг оқиб,
Фалак каби уўтингдин ерга боқиб.
Гадо бўлуб, Мустафоға қабуқ қоқиб,
Улуш, бахшиш тобсанг ишинг осон бўлур.

## *ҲИКМАТ*

Қаю қулға ҳақиқатдин бўлса насиб,
Шариатга, тариқатга жўён бўлур.
Тун-кун тинмай сидқи бирлан талаб қилиб,
Мосувони хилъатидин урён бўлур.
Пири муршид мукаммалға ўзин солса,
Ботин илмин ул муршиддин сабоқ олса.
Жону дилин Ҳақ зикриға машғул қилса,

[1] Парвардигорим, мени адабли қил (Ҳадисдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хилват истаб эл кўзидин пинҳон бўлур.
Жонин қийнаб, машғул бўлса ибодатга,
Нафс ўлдуруб, одат қилса қаноатга.
Тоқат қилса маломатга, иҳонатга,
Чин толиблар қаторинда бўлғон бўлур.
Ҳар ишинда холис қилса ниятини,
Дин йўлиға сарф айласа ҳимматини.
Истиқомат бирла тутса ғайратини,
Эранлардин улуш нисбат олғон бўлур.
Муставли бир қалб бўлса зикри ани,
Бетакаллуф топса дилда андишани,
Андишадин роҳат топса жумла тани,
Фанойи қалб вилоятин олғон бўлур.
Етар бўлса шарҳи садрин мақомина,
Ботинидин кўчар хубсу кибру кийна,
Тўрт аносир ҳижоб бўлмас дил юзина,
Ботин анда хуршид янглиғ тобон бўлур.
Хубб ўтига куюб, ёниб, пишар бўлса,
Доирайи муҳаббатга тушар бўлса,
Фанофиллоҳ мақомиға ошар бўлса..
Мову мани андин сўнгра яксон бўлур.
Андин сўнгра бўлур бўлса нафйи вужуд,
Ул мақомда ҳосил қилур кашфи вуруд,
Сирни кўзи очилиб, бўлса маҳви шуҳуд,
Ориф анда ақли шошиб ҳайрон бўлур.
Андин сўнгра ишларини билиб бўлмас,
Айтай деса рухсат йўқдир, тилга келмас,
Вали улдур, шариатсиз иш қилолмас,
Қилур бўлса, зоҳир-ботин нуқсон бўлур.
Фони бўлуб, бақо топса, ақли шошмас,
Замзам сифат ичда қайнар, ташга тошмас,
Бандаликда ўзин танур, ҳаддин ошмас,
Бу сифатда бўлур бўлса раҳдон бўлур.
Шариатга истиқомат қилса толиб,
Пир амрини ўзга лозим билса толиб,
Муҳаббатни майдонида бўлса толиб,
Иншоаллоҳ, мушкул ишлар осон бўлур.
Мискин Азим ботин неъмат болдин тотлиғ,
Кимга бахшиш бўлғон бўлса анга қутлуғ,
Бу неъматни тотқонларни бағри ўтлуғ,
Тотолмайин ўлур бўлсанг армон бўлур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ҲИКМАТ*

Ҳақ мавлимни тажаллии иродати,
Кимга тушса, йўлин тониб, раҳдон бўлур.
"Таваккалту алаллоҳ"ни тилга олиб,
Чин дил бирла дийдорига жўён бўлур.
Пири комил суҳбатига ўзни урар,
Кўб ишинда чилтан, ҳафттан ёри берар,
Улуғ-улуғ азиз эран ҳолин сўрар,
Андин сўнгра душвор ишлар осон бўлур.
Шариат беш, тариқат беш, ҳақиқат беш,
Билур бўлсанг маърифатдур тўртинчи беш.
Бу ишлардин баҳра олиб ўшал дарвеш,
Андин сўнгра ғар заифдур мардон бўлур.
Бу дарёлар аросинда ғаввос бўлур,
Насибича ҳар биридин гавҳар олур,
Нуран ало нурин сирда ҳосил қилур,
Зарра бўлса, хуршид янглиғ тобон бўлур.
Ғарқоб бўлған бу тўртавлан дарёсиға,
Ворис бўлур, анбиёлар меросиға,
Фозил бўлуб, ҳиммат боғлар дин посиға,
Жамъияти анда юз минг чандон бўлур.
Ул мақомда нисбати кул этар зуҳур,
Андин сўнгра ботинидин кетмас бу нур,
Нисбатидин баҳра олур наздику дур,
Соликларға сиёсатлик султон бўлур.
Андоғ Ориф ботинидур гавҳар кони,
Лаълу маржон жавоҳирни йўқтур сони,
Жондин кечмай, олмоғ андин йўқ имкони,
Жон асраю олдим десанг ёлғон бўлур.
Эй дўстларим, бу дунёдур дин бозори,
Мўмин, муслим, мухлис, толиб харидори,
Жон беринглар, барча ишдин дин даркори,
Дин камолин тобмай ўлсанг армон бўлур.
Мискин Азим Мустафони бир ити сан,
Умид узма, оси жофи уммати сан,
Ҳақ мавлимни мустаҳиқи раҳмати сан,
Раҳмат қилса гунаҳларинг яксон бўлур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ҲИКМАТ*

Ҳақ мавлимни инояти бўлса кимга,
Бир лаҳзада йўлин топиб, раҳдон бўлур.
Мурид бўлуб, хизмат қилиб муршидларга,
Начук ризо тобғум дею ҳайрон бўлур.
Барча ишин комил тутуб шариатга,
Бошдин кечиб, қадам қўюб тариқатга,
Жону дилин муштоқ этиб маърифатга,
Ҳақиқатни асрориға жўён бўлур.
Пир амрига лозим билиб итоатни,
Пеша айлар сабру ризо, қаноатни,
Доим қилиб ўз нафсига сиёсатни,
Чин толиблар қаторинда бўлғон бўлур.
Андин сўнгра тоатидин тобмас малол,
Ботинидин кетар хубсу фосид хаёл,
Зоҳир-ботин солик бўлур соҳиб жамол,
Жамолидин нури ботин тобон бўлур.
Андин сўнгра дилдин сирга убур этар,
Тўрт аносир ҳижобидин тамом ўтар,
Сир кўзига асрор анда зуҳур этар,
Сайр сари "илаллоҳ"ни билган бўлур,
Андин сўнгра бўлур бўлғай жони огоҳ,
Жони огоҳ бирла етиб фанофиллоҳ,
Фаноликдин топар бўлса бақо биллоҳ,
Жамъияти анда юз минг чандон бўлур.
Андин сўнгра барча иши адаб бўлур,
Ҳайбат босиб, ҳилму ҳаё ғолиб келур.
Убудият мақомида ўзни танур,
Тамом иши илму ҳилму эҳсон бўлур.
Андоғ ориф бўлур эрмиш кимё назар,
Туфроқ олса бир назарда айламиш зар,
Ул орифни қачон танур ҳар бехабар,
Зоҳир қатра, ботин ичра уммон бўлур.
Мискин Азим қулман демак сандин уёт,
Тирик ўлуб, ҳосил қилмас тоза ҳаёт,
Билур бўлсанг эранларга булдур сифот,
Эран сифат бўлмай ўлсанг армон бўлур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## *ҲИКМАТ*

Дийдор талаб ошиқлар бирдам ғофил бўлмаслар,
Лаҳза ғофил бўлғонни ориф ошиқ демаслар.
Эран ўрун тузотиб, илик-оёғ узотиб,
Ғафлат, роҳатда ётиб, бирдам ором олмаслар.
Зоҳир этиб жустужў, ботин қилиб маҳви ҳу,
Мушаккиклар гуфтугў қилса қулоқ солмаслар.
Азиз-эран ҳар куни, тутуб ишни буркини,
Икки дунё мулкини, берса қабул қилмаслар.
Ошиқларға аломат, оҳ, ашк, надомат,
Олам қилса маломат, ҳеч назарга илмаслар.
Тирик юриб ўлганлар, фано таслим бўлганлар,
Бақо мулкин олғонлар, гулдек очилиб сўлмаслар.
Сан ҳам Азим зокир бўл, ғофил юрма ҳозир бўл,
Ҳозир, зокир бўлғонлар ғафлат бирла бўлмаслар.

## *ҲИКМАТ*

Ҳаром шубҳа таомни чин толиблар тотмаслар,
Ҳалол тийиб луқмани ғафлат бирла ютмаслар.
Шариатни билмайин, тариқатни қилмайин,
Мухлис-мурид бўлмайин, муршидликка етмаслар.
Тобғайму деб жони пок, тирик юруб бўлуб хок,
Бўлғайму деб нафс ҳалок, тунлар тамом ётмаслар.
Ҳу деб кўксин тешарлар, майдек қайнаб тошарлар,
Ҳубб ўтиға пишарлар, хомтамаъдек кетмаслар.
Қилғон зикру тоатни, дилда тобғон роҳатни,
Динға қилғон меҳнатни дунё учун сотмаслар.
Орифликға етмассан фозил бўлмай, эй ўғул,
Илму ҳикмат, тавҳидга комил бўлмай етмаслар.
Ожиз Азим отонгнинг, пандин олғил, эй ўғлум,
Мавъиза деб мардонлар ёлғон сўзни айтмаслар.

## *ҲИКМАТ*

Шариатга рост, мувофиқ бўлмагунча,
Тариқатга толибман деб темас бўлур.
Ихлос бирла пирни тутуб, бошдин ўтуб,
Тариқ кирган бало текса қайтмас бўлур.
Тунлар тамом тоат билан таёнмайин,
Файзи саҳар олғумму деб тиронмайин,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарди талаб ранжин тортиб ингронмайин,
Толибман деб, тонг отғунча ётмас бўлур.
Нафсинг ўлмас, иззат-ҳурмат таркин қилмай,
Хорлиқ-зорлиқ машаққатни роҳат билмай,
Нодонларни маломатин бошга олмай,
Доно бўлиб, сир маънига етмас бўлур.
Кўрклик толиб пир олдида адаб қилур,
Ҳайбат босиб, ҳилму ҳаё голиб келур,
Начук ризо тобқум тею қонға тўлур,
Мунглуғ бўлуб, ўзлук, манлик этмас бўлур.
Пир амрини тутгон толиб нафсдин беза,
Тун-кун тинмай зикрин айтур бағрин эза,
Ҳақ ёдидин ўзга ишда тобмас маза,
Огоҳ турур, ғафлат таъмин тотмас бўлур.
Бетакаллуф дилдин сирга убўр этар,
Малол кетиб, тоатидин этса ҳузур,
Мутеъ бўлуб, этмас бўлса нафйи ғурур,
Софи бўлуб, сирдин хутур кетмас бўлур.
Андин сўнгра улув тутар ҳимматини,
Тақво бирлан тутор бўлса нисбатини,
Бир неча йил динға қилғон меҳнатини,
Фони дунё иззатига сотмас бўлур.
Эй дўстларим, булдур эран қилмишлари,
Сидқу сафо, сабру ризо равишлари,
Тажрид, тафрид, тафвиз, таслим бўлмишлари.
Таслим бўлмай солик иши битмас бўлур,
Ожиз Азим айдинг эран сўзларини.
Сан ҳам юзга суруб мандек изларини,
Кўрубмидинг, ойдин ортуқ юзларини,
Кўрмай, билмай ҳикмат равон айтмас бўлур.

## *ҲИКМАТ*

Бу дунёни дин бозори билиб дўстлар,
Бозор ўтмай, сотуқ савдо қилғум келур.
Дунё фоний, уқбо боқий, яқиб билиб,
Дин ярогин олиб, уқбо элтгум келур.
Дин ярогин олган қуллар оқил турур,
Яроғ олмай ғофил юргон жоҳил турур,
Жоҳил қуллар дин ишига коҳил турур,
Коҳилларга насиҳатлар айтгум келур.
Меҳнат тортиб, комил бўлуб шариатда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошдин ўтуб, қадам қўюб тариқатда,
Сирдин эшик очлур бўлса маърифатда,
Доно бўлуб, сир маънига етгум келур.
"Ан тамутў" асрориға ўзни солиб,
"Ли мааллоҳ" сири надур, ани билиб,
Маърифатни дарёсидин гавҳар олиб,
Қийматини билгонларга сотгум келур.
Тангрим улув қилса кимни ҳимматини,
Истиқомат бирла тутар хизматини,
Жондин лазиз билиб Ҳақни тоатини,
Азим, ман ҳам андоғ тоат қилғум келур.

## *ҲИКМАТ*

Қаю мўмин Каъба, Равза азмин этса,
Мавлим ани гуноҳини ўтар эрмиш.
Ҳар қадамда бир қул озод савобини
Ул бандани номасиға битор эрмиш.
Етолмайин бемор бўлиб йўлда қолса,
Ғарибликда ранжин тортиб, ранги сўлсе,
Куни битиб, қазо етиб, агар ўлса,
Маҳшаргача роҳат бирла ётар эрмиш.
Тангрим анга ато қилмиш бир фаришта,
Қабри узра турар эрмиш ёзу қишда,
Маҳшарғача дуо қилиб бу фаришта,
Йилда бир ҳаж анинг учун этор эрмиш.
Мийқот бориб, танга чолса эҳромини,
"Талбия"ни айтиб юрса туни куни,
"Аллоҳумма лаббайка"ни деган уни,
Аршу Курси Лавҳу Қалам етар эрмиш.
Каррубилар ўшал вақтда назар солиб,
Шайдо бўлуб, юргонига раҳми келиб,
Ул бандани ҳожатиға дуо қилиб,
Андин сўнгра марҳаболар айтар эрмиш.
"Ҳу-ҳу" тею Каъба етса вола бўлуб,
Кўзларини пиёласи ёшқа тўлуб,
Етти қатла тавоф этса ранги сўлуб,
Улуғ-кичик гуноҳлари кетар эрмиш.
Дохил бўлса ул мақоми Иброҳимға,
Сидқи' бирла зор инграса илоҳимға,
Ёраб, тавба қилдим деса гуноҳимға,
Мағфиратнинг дарёсиға ботар эрмиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чоҳи Замзам узра турса замзам бўлуб,
Кўз ёшини селоб этиб, пурнам бўлуб,
Раббим қабул қилурму деб, ғамга тўлуб,
Қабул қурбат тонги анга отор эрмиш.
Сафо, Марва, Муздалифа, Мино этса,
Арофотда ҳозир туруб, вуқуф этса,
Тилин дилға тобеъ этиб, розин айтса,
Ижобати дуо анда топор эрмиш.
Андин сўнгра Каъба сари етар бўлса,
Етти қатла тақи тавоф этар бўлса,
Ҳаж қабулин Ҳақдин умид тутар бўлса
Андин сўнгра ани ҳажи битар эрмиш.
Жумла аркон маносиклар қилур бўлса,
Сафо бориб, сочу тирноқ олур бўлса,
Либос кийиб, эҳромини солур бўлса,
Гулдек очилиб Ҳақ шукрини айтар эрмиш.
Андин сўнгра Мадинага ўтар бўлса,
Салом, салавот айтиб Равза етар бўлса,
Мустафодин қабул умид тутор бўлса,
Иншоаллоҳ, ани қабул этор эрмиш.
Еткуммукин ул Мадина нур кониға,
Арзим айтсам анбиёлар султониға,
Наътин айтиб, етиб бўлмас поёнига,
Етолмаған ҳасрат бирла кетар эрмиш.
Ул остони олий эрур малак ошён,
Неча йиллар нузул ваҳий анда бўлғон,
Дин ёруғи андин чиқиб, олам тўлғон,
Ушбу сифат машҳарғача тортар эрмиш.
Қиз суратлик бўлиб, Каъба маҳшар кирмиш,
Атрофига кокилларин солиб турмиш,
Ҳаж этгонлар ул кокилга қўлин урмиш,
Борин олиб жаннат ичра кирар эрмиш.
Маҳшар эли бу ҳолатни боқиб кўрар,
Булар ким деб, бир-биридин савол сўрар,
Билолмайин булар ким деб ҳайрон турар,
Ўшал вақтда кўкдин нидо этар эрмиш.
Нидо булдур, қиз Каъба, бул ҳаж этгонлар.
Каъба учун молу жондин пок ўтганлар.
Жонона деб жон лаззатин унутгонлар,
Олий ҳиммат ҳожилар деб айтар эрмиш.
Аввал охир ҳаж йўлида юргон қулнинг
Ҳаво тафтин, ер иссиғин, кўргон қулнинг,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Каъба равза бориб юзин сурган қулнинг
Ҳожатини Тангрим раво этар эрмиш.
Мискин Азим ожиз аъмо бир муштипар,
Равзангизга етолмайин қондур жигар.
Ё Мустафо, ожиз қулға айланг назар,
Назар тобғон қулни шавқи ортар эрмиш.

## *ҲИКМАТ*

Бандаликни шартидур ожизлиғу синуғлуқ,
Султон бўлсанг оламға ҳаргиз қилма улуғлуғ.
Дунё меҳрин қўймайин, Ҳақ ёдини айтмайин,
Нафсинг кўзин ўймайин, бўйнинг бўлмас солуғлуқ.
Қулман дебон лоф урма, хизматингга суянма,
Хожа суйгон қулиға, ўзи берур тануғлуқ.
Қўя кўрма буйруғин, етмиш мақом ўтсанг ҳам,
Аршу Курси поясин қўл узотиб тутсанг ҳам.
Ёнар, ўтни лақчасин нондек чайнаб ютсанг ҳам,
Биҳишт кирмай бандага ҳаргиз йўқтур тануқлуғ.
Файзи саҳар олғоннинг хулқи хўйи хуш бўлур,
Ишқдин улуш олғонни икки кўзи ёш бўлур.
Нисбат комил бўлғон сўнг толибларга бош бўлур,
Ариғ-анҳор бўлғон сўнг лозим анга балиғлиғ.
Эр бўлмағунг эй ўғул, эранларга қўшулмай,
Оқу қизил ифакдек алар бирла эшилмай,
Анонният тоғидин эмгак бирла ошилмай,
Иншоаллоҳ, ошарсан бўлсанг эран қилиғлиғ.
Эрман десанг эй Азим, заиф ишин қилмағил,
Дунё илик — уфадур, ўзга зийнат бермағил,
Жамъияти ботинни ҳалокатга солмағил,
Тариқатда бул турур, билур бўлсанг бўлуғлуғ.

## *ҲИКМАТ*

Толиб эрсанг сидқинг бирлан тавба қилғил,
Тавба қилсанг маъсиятлар бўлмиш маъоф.
Оят-ҳадис мазмунидин сўз сўзладим,
Оқил эрсанг бу сўзларни билма хилоф.
Андин сўнгра тариқатда қилғил юруш,
Бу кишига ҳожат эмас қараб туруш.
Йўлинг бўлса, нафсинг бирла қилғил уруш,
Эр бўлмассан нафсинг бирла қилмай масоф.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ихлосимни қилсун десанг пирим қабул,
Қулларига ит бўлгилу итига қул,
Тариқатда адаб турур асли усул,
Ариғ адаб бирла этгин пиринг тавоф.
Содиқ бўлсанг бу йўлларда бошинг ўйна,
Роҳат ташлаб, бол ўрнига заққум чайна,
Риёзатни бўтасига тушуб қайна,
Меҳнат тортмай, толибман деб урмагин лоф.
Мискин Азим, тавбалик қул тақво қилур,
Тақволикни тамом иши адаб бўлур,
Адаблиғ қул ўз айбига инсоф қилур,
Қани санда тавба-тақво, қани инсоф?

## *ҲИКМАТ*

Жаҳонни айшина боқма, дило, бақосина боқ,
Вафога ваъда қилур ваъдасин вафосина боқ.
Динингни душмани дунё турур агар билсанг,
Бу дунни меҳрини қўй, Тангрини ризосина боқ.
Ёмону яхшини дунёда фарқ этай десанг,
Ёмону яхшини тобкон ўз ошносина боқ.
Тариқи асл Азимо шариат ҳукми эрур,
Худо ризоси учун шаръи Мустафосина боқ.

## *ҲИКМАТ*

